

ЎЗАРО МАНФААТЛИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Хукумати Раисининг ўринбосари Марат Хуснуллин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Хукумати Раиси Михаил Мишустиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Россия етакчисининг ўтган йил май ойидаги Ўзбекистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлиқни, шу жумладан, қурилиш тармоғида ва ҳудудларни ривожлантириш соҳасида кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Қурилиш соҳасида кенг қўламли кооперацияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Икки мамлакат ташкилотлари ва компаниялари иштирокида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида инфраструктура объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш, қурилиш материаллари ва ускуналар етказиб бериш шундай лойиҳалар жумласидан.

Улушли қурилиш, лойиҳалаштириш, экспертиза, рақамлаштириш ва давлат ҳаридларини амалга ошириш бўйича тажриба алмашишни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

ИЖТИМОЙ СОҲАЛАРДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 февраль куни ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини самарали ташкил қилишга оид тақдимот билан танишди.

Иқтисодиётда давлат улушини кескин қисқартириш бўйича мамлакатимизда катта ислохотлар олиб борилмоқда. 2019 йилда “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бунга кенг йўл очди. Бундай шериклик ижтимоий соҳаларда яхши натижалар беряпти. Масалан, 1 миллион 200 минг ўринли хусусий богчалар очилгани туфайли қамров даражаси 77 фоизга чиқди. Олий таълим тизимида 57 та лойиҳа самарасида 29 минг талаба ётоқхона билан таъминланди. Тиббиётда отоларингология, диагностика, лаборатория каби хизматларда хусусий сектор улуши анча юқори.

Шунга қарамай, бу борада ҳали имконият ҳам, талаб ҳам кўп. Тақдиротда тиббиёт, таълим, маданият ва спорт йўналишларида давлат-хусусий шериклиқни кенгайтириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди. Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тараққиёт ва тикланиш банки ҳамда бошқа ҳамкорлар билан биргаликда соғлиқни сақлаш соҳасида жами қиймати 1,2 миллиард долларлик 5 та, мактабгача ва мактаб таълими соҳасида 745 миллион долларлик 6 та ҳамда олий таълим соҳасида 100 миллион долларлик лойиҳаларни

амалга ошириш чоралари белгилаб олинди. Хусусан, Тошкент, Фарғона, Бухоро, Андижон ва Самарқанд шаҳарларида кўп тармоқли замонавий клиникалар қурилади. Ҳудудлардаги марказий шифохоналарда тиббиёт билан боғлиқ бўлмаган хизматлар хусусий секторга ўтказилади. Маданият ва спорт соҳаларидаги айрим фаолиятларга хусусий секторни жалб қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ҳозирги кунга қадар 43 та маданият маркази хусусий секторга берилган бўлиб, яна қўшимча 127 тасини бериш имконияти аниқланган.

Шу каби бўш турган бассейн, спорт зали ва майдонларини ҳам янгилаб, соғломлаштириш хизматларини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун маданият ва спорт иншоотларини соддалашган тартибда хусусий шерикликка бериш таклифи илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари ижтимоий соҳадаги вазирликлар ҳамда маҳаллий ҳокимликларга тегишли объектлар кесимида “йўл хариталари”ни тасдиқлаб, ижросини таъминлаш, хусусий шериклик лойиҳаларини жадаллаштириш бўйича топшириқлар берди.

ЎЗА

Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда ИЖРО ИНТИЗОМИ — ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШГА САМАРАЛИ САФАРБАРЛИК

Давлатимиз раҳбари камбағалликни қисқартириш ва аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш борасида муҳим вазифаларни олдимизга қўяр экан, “2025 йил — ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда ҳал қилувчи йил бўлади”, дея таъкидлади.

Халқимиз ўз ҳаётдан рози бўлиб яшashi, обод турмуш кечириши, саломатлигини тиклаши, фарзандларининг таълим-тарбия олиши борасида қатъий амалга оширишимиз лозим бўлган устувор вазифаларни адо этиш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади.

Бу сайёҳ-ҳаракатларнинг самарали амалга ошиши ва натижадорликка эришишда, албатта, ижро интизоми муҳим ўрин тутади.

Шахсий масъулият, темир интизом, касбий гурур ва профессионал маҳорат ижро интизомининг мустаҳкам пойдеворидир.

Белгиланган вазифаларга эришишнинг асосий жиҳатлари соҳани тизимли ўрганиш ва амалга оширилган чора-тадбирлар

самарадорлигини таҳлил қилиш натижа-сида аён бўладики, ҳар бир раҳбар ва ходимнинг эришган муваффақиятлари асоси ижро интизоми ҳисобланади.

Барча вазирлик ва идораларда ижро интизомида таъминлаш мақсадида “Ijro.gov.uz” идоралараро электрон тизими жорий этилган, ушбу тизим орқали қабул қилинган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таҳлил қилиш ва ҳисобини юритиш имкони мавжуд. Мана шу имкониятлардан келиб чиқиб, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида ижро интизоми “марказий аппарат — тасарруфий ташкилотлар — ҳудудий бўлима-лар” шаклида технологик занжир асосида ташкил этилган.

➤ Давоми 4-бетда

МИЛЛИЙ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ ЙЎЛИДАГИ ФИДОКОРОНА ИЖОДНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Миллий қўшиқчилик санъатимизнинг толмас тарғиботчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов ўзининг жўшқин қўшиқлари, ўзига хос ижро услуби билан мухлислар эътиборини қозонган. Шу кунларда санъаткор қутлуг 75 ёшини қаршиламакда.



Пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” санъат саройида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов таваллуд санаси муносабати билан катта концерт дастури бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубовни мукофотлаш тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон

Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди. Унга кўра, Ғуломжон Ёқубов миллий қўшиқчилик санъатимизни ривожлантириш борасидаги хизматлари, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ТАБРИК

Қадрли ватандошлар! Аввало, сиз, азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар ва бутун халқимизни эзгулик, хайру саховат ва меҳр-оқибат оий бўлган Рамазони шарифнинг кириб келиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуг айёмда мана шундай мунаввар ойни эл-юртимиз билан биргаликда тинч ва осойишта муҳитда кутиб олаётганимиз учун Аллоҳ таолога бехисоб шукроналар айтаман.

Ҳозирги вақтда барча соҳа ва тармоқлардаги ислохотларимиз муқаддас ислом динининг одабийлик моҳиятига уйғун бўлган “**Инсон қадри учун, инсон бахти учун**” деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётганини кўплаб мисолларда кўриш мумкин.

Жумладан, ижтимоий ҳимоя тизими самарасини юксалтириш, беморлар, ногиронлиги бўлган, кекса ва ёрдамга муҳтож инсонларни, ёшлар ва хотин-қизларни, чет эллардаги фуқароларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фарзандларимизнинг таълим-тарбиясига эътиборни кучайтириш, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларни обод қилишга қаратилган сайёҳаракатлар тобора кенгайиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Бу борада бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, юртимиздаги тинч ва фаровон ҳаётни, миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатлик муҳитини кўз қорачиғидек

асраб-авайлаш бундан буён ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Пок ниятлар ижобат бўладиган ушбу қутлуг ойда жаҳоннинг турли минтақаларидаги уруш-жанжаллар, низо ва адоватлар барҳам топиб, бутун дунёда тинчлик, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва ҳамкорлик барқарор бўлишини чин дилдан сўраб, дуолар қиламиз.

Ер юзидagi барча мўмин-мусулмон биродарларимизни, дўст ва ҳамкорларимизни Рамазон ойининг бошланиши билан самимий қутлаб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига осойишталик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Азиз ватандошлар! Рамазони шарифни оила ва яқинлар даврасида катта хурсандчилик билан кутиб олаётган сиз муҳтарам юртдошларимизни яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ушбу муқаддас ойда қилинадиган ибодат ва дуолар, эҳсон ва амалларни Парвардигори олам ўз даргоҳида қабул этсин!

Халқимизнинг эзгу орзу-интилишлари рўёбга чиқсин!

Рамазон оий барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Маънавий покланиш ва эзгу амалларга интилиш, жамиятда хайру-саховат, бағрикенглик, меҳр-оқибат каби фазилатларни қарор топтиришни ўзида мужассам этган, бутун дунё мусулмонлари учун муқаддас бўлган Рамазон оий кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий мамлакатлар етакчилари, ҳукуматлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан қутловлар келмоқда.

Хорижий ҳамкорлар ўз қутловларида давлатимиз раҳбари ва мамлакатимизнинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилакларини изҳор этмоқда.

Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:
Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**;
Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**;
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**;
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**;
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти **Шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён**;
Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;
Кувайт Давлати Валиаҳди **Сабоҳ Халид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ**;
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**;
Ўмон Султони **Ҳайсам бин Тарик Ол Саид**;
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид Теббун**;
Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;
Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби **Ҳусайн Иброҳим Тоҳа**.

Қутловлар келишда давом этмоқда.



РАМАЗОН — САХОВАТ, БИРДАМЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ОЙИ

Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар, суоқли Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога салавоту саломлар бўлсин! Аввало, халқимизни Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгаши ва ўз номмидан Рамазон оий билан самимий муборакбод этаман. Ҳақ таоло ушбу фазилатли, файзли дамларни дунё мўмин-мусулмонлари учун тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт ва икки дунё саодатига элтувчи ой қилсин.

Бу борада кечагина муҳтарам Президентимизнинг “**Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида**”ги қарори эълон қилинган нур устига нур бўлди, дейиш мумкин. Унда халқимиз учун эзгулик, меҳр-оқибат ва шукроналик тимсоли бўлган қутлуг оийни бир қатор тегишли ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда миллий анъана ва қадриятларга мос тарзда

ўтказишга доир чора-тадбирлар белгилангани юртдошларимизни жуда мамнун этди.

Дарҳақиқат, ушбу қутлуг ойда яхшилик, хайру саховат эшикларини янада кенг очилди. Аллоҳнинг афв ва мағфират хазинасидан ҳар бир киши ўз насибасини олишга интилади.

➤ Давоми 2-бетда



Муборак ой шукуҳи

РАМАЗОН — САХОВАТ, БИРДАМЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ОЙИ

Яратганга шукрки, янги Ўзбекистонда барча соҳалар қатори диний-маърифий жабҳада ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Айниқса, эмин-эркин ибодат қилиш учун кенг имкониятлар берилётгани, масжид-мадрасалар обод қилинаётгани, ҳаж-умра қилувчилар сони ошаётгани мўмин-мусулмонларни бирдай қувонтирмакда.



Шайх Нуриддин
ХОЛИҚНАЗАР,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий

Бошланиши 1-бетда

“Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойи” шиори остида ўтиши тавсия этилган мазкур ойда эҳтиёжмандлар, илм-маърифат йўлида

изланаётган ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила ришталарини мустаҳкамлаш каби хайрли ишлар қайд этилган. Шунингдек, маҳаллаларда ўзаро тушуниш ва ишонч муҳитини кучайтириш, ҳурмат ва меҳр-оқибат қадриятларини



тараннум этиш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ ва қабристонларни ободонлаштириш, кўчат экишдек динимиз ҳам, анъаналаримиз ҳам ёқлайдиган гўзал ишларга даъват этилган.

Ифторлик сингари тадбирларда меъёрга амал қилиш, исрофга йўл қўймасликка алоҳида эътибор бериш белгиланди. Бу эса фазилатли ойнинг шукуҳли ўтишида катта омил бўлади, инша Аллоҳ.

Яратганга шукрки, янги Ўзбекистонда барча соҳалар қатори диний-маърифий жабҳада ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Айниқса, эмин-эркин ибодат қилиш учун кенг имкониятлар берилётгани, масжид-мадрасалар обод қилинаётгани, ҳаж-умра қилувчилар сони ошаётгани мўмин-мусулмонларни бирдай қувонтирмакда.

Эслаб ўтиш ўринлики, ўтган йили юртимизда ўтказилган халқаро анжуманларда қатнашган хорижлик муфтийлар, таниқли уламолар ва олим-профессорлар мамлакатимизда амалга оширилаётган

ўзгаришларни юқори баҳолади. Яқин келажакда заминимиздан яна Бухорийлар, Термизийлар, Фаробийлар, Берунийлар чиқишига ишонч билдирилди.

Айни мақсадларни кўзда тутган ҳолда пойтахтимизда бунёд этилаётган Ислоҳ цивилизацияси маркази юртимиздаги бир неча минг йиллик ўтмиш ва улугвор мақсадларимизни бир жойга жамлаган муҳташам мажмуа бўлади. Ушбу маскан билан танишган одам Ислоҳ, аввало, тинчлик, тараққиёт ва бағрикенглик дини эканини, ўзбек халқининг дунё тамаддунига қўшган буюк ҳиссасини яққол англайди. Шунингдек, Самарқанд вилоятида бунёд этилаётган Имом Бухорий мажмуаси аллоамаларимизга кўрсатилаётган юксак эҳтиромнинг олий намунасиридир.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон қадрини улуглаш, эътиқод эркинлигини таъминлаш, миллий қадриятларни эъзозлаш, халқимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг ёрқин ифодасидир. Ҳар йили Юртбошимиз Рамазон ойининг кириб келишига, ҳайитларга алоҳида эътибор қаратиши ҳам ҳамюртларимизнинг бу ойни янада кўтаринки қайфиятда, чин ихлос ва ўзгача тайёргарлик ила кутиб олишига сабаб бўлиб келмоқда.

Моҳи Рамазонда адо этиладиган солиҳ амаллар эъзизга мўмин-мусулмонлар кўпдан кўп ажр-савобларга эга бўлади. Чунки табаррук ойда Аллоҳ таолонинг раҳмату мағфирати ҳар қачонгидан-да кўпроқ ёғилади.

Рамазон — хайру саховат ойидир. Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: **“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам одамларнинг энг сахийроҳи эдилар. Айниқса, Рамазон ойида янада сахий бўлиб кетар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам яхшиликда шиддат билан**

эсаётган шамолдан-да учқурроқ эдилар” (Муттафаҳун алайҳ).

Шундай экан, қўли очиқ инсонларимиз ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган фуқаролар ҳамда кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват улашиши, беморлар ҳолидан хабар олиб, кўнгилларини кўтариши энг савобли амал эканини эслаб ўтиш ўринлидир.

Таъкидлаш керакки, юртимизда муҳтарам Юртбошимиз ташаббуслари билан ижтимоий ҳимоя соҳасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Айниқса, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бор шахслар, етим болаларга манзилли ёрдамлар кўрсатиш, уларни ўқитиш, касб-хунар ўргатиш, ишга жойлаштириш борасида ҳам хайрли ишлар қилинмоқда.

Ана шундай савобли ишларга ҳам-оҳанг равишда ҳожилар иштирокида ўтказилган қарийб етмиш мингта тарғибот тадбирида 430 мингдан зиёд эҳтиёжманд кишиларга моддий-маънавий кўмак берилди. Бундай хайрли ишлар қўтлуг ойда янада қизгин давом этади. Чунки биз, уламолар **бу йил Рамазон ойини меҳр-мурувват, хайр-саховат мавсумига айлантиришни** ўзимизга шиор қилиб олдик! Токи қўтлуг ойда ҳар бир хонадон, ҳар бир кишининг қалбига хурсандчилик кириб борсин.

Рамазон — Қуръон ойидир. Аллоҳ таолонинг каломи айнан шу ойда нозил бўлган. Ҳақ таоло Бақара сурасининг 185-оятда бундай дейди: **“Рамазон ойи — одамлар учун ҳидоят манбан ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойидир”.**

Анъаналар кўра, бу йил ҳам мамлакатимиздаги жоме масжидларда тарових намоzlари бошланади. Уларда 27 кун давомиде хатми Қуръон адо этилади. Аллоҳ насиб этса, барча масжидларда Рамазон ойининг йиғирма етинчи кечаси, яъни Қадр

кечасида хатми Қуръонлар яқунланиб, бир вақтнинг ўзиде бир неча миллион халқимиз Ҳақ таолога дуо қилады. Мана шундай жамулам илтижолар ижобатидан, юртимиз янада равнақ топади, ҳаётимиз фаровон бўлады. Ўлкамизга илоҳий нур, барака ёғилады, инша Аллоҳ.

Рамазон — дуо ойидир. Бу ҳақда Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда бир қанча оятга ҳадислар келган. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилады:

“Қачон бандаларим сендан Мен ҳақимда сўрасалар, бас, албатта, Мен яқиндирман. Дуо қилувчи Менга дуо қилганда, дуосини ижобат қилурман. Бас, Менга ижобат қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар. Шоядки, тўғри йўлни топсалар” (“Бақара” сураси, 186-оят).

Уламолар мазкур оятнинг рўза ҳақидаги оятлардан кейин зикр қилинишида Рамазон ойининг дуо ойи эканига далил ва ишора бор, дейди. Қуйидаги ҳадиси шарифда ҳам Рамазон дуо ойи экани айтилган:

Абу Саид розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Албатта, Рамазоннинг ҳар кеча-кундузида дўзахдан озод қилинган (бандо)лар бўлур. Улардан ҳар бири учун қабул бўлаётган бир дуо бор”, дедилар” (Имом Аҳмад ривояти).

Мана шундай лаҳзаларда Ҳақ таолодан мўмин-мусулмонларимиз тутадиган рўзалари қабул, ибодатлари мақбул ва дуолари мустажоб бўлишини сўраймиз. Аллоҳ таборака ва таоло эзгу мақсадларимиз, яхши ният ва улкан режаларимизни рўбига чиқарсин!

Муҳтарам Президентимиз соғ-саломат, Ваганимиз янада обод, халқимиз ҳаёти бунданда фаровон, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлар ва динлараро тотувчилик, ҳамжиҳатлик муҳити барқарор бўлсин!

МИЛЛИЙ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ ЙЎЛИДАГИ ФИДОКОРОНА ИЖОДИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ



Бошланиши 1-бетда

Мазкур мукофотни санъаткорга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева топширди.

Ғуломжон Ёқубов 60 йилдан буён санъат йўлида хизмат қилиб келмоқда. У 45 йилдан ортиқ Ўзбекистон филармониясида меҳнат қилиб, халқимиз учун манзур бўладиган қўшиқлар яратди. Унинг қўшиқлари мамлакатимиз ҳудудидан оилаларда ҳам бутун жаранг сочмоқда.

Муסיқа оқшомида сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муножот Йўлчиева, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров Ғ.Ёқубовнинг ўзига хос ижод йўли ҳақида атрофлича фикр билдирдилар.

— Ғуломжон қайси даврага кирса, ўша даврага, албатта, фойз кирди, — деди Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров. — Унинг одоби, муомала маданияти, сахна маданияти,

томошабинларга ҳурмати ёшларга намунадир. Президентимизнинг санъат ривожига кўрсатаётган чексиз эътибори Ғуломжон Ёқубов меҳнатларининг шундай юксак эътирофида ҳам намоён бўлди.

Устоз санъаткор миллий муомтоз ва эстрада йўналишидаги қўшиқларни ҳам маромига етаклаб ижро этади. У 1985 йилда “Мелодия” ижодий фирмасининг “Олтин диск” мукофоти билан тақдирланган. Истиқлол йилларида моҳир санъаткор “Дўстлик”, “Эл-юрт ҳурмати” орденлари билан тақдирланган.

— Санъат йўлидаги меҳнатларим шундай эъзозланганидан жуда мамнунман, — деди Ғуломжон Ёқубов. — Халқимизга бетақорор қўшиқлар тақдим этиш йўлида бундан буён ҳам ўз куч-гайратимни аямайман.

Тантанали муסיкий кечада Ватанимиз, меҳр, садоқат ва гўзаллики тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



Эгнингдаги пальто оғирлик қила бошлайди. Бошингга телпак кийиб олганингдан афсусланасан. Тарнов сувидан қафтларингни тўлдириб, тўйиб-тўйиб ичгинг келади. Бешинчи қаватдан тушган сумалак оёгинг остида чил-чил бўлади. Сирпаниб кетмаслик учун эътиёткорона қадам босиб, келган йўлингдан қайтишда қўлмақчаларни бир-бир ҳатлаб бемалол одимлайсан. Қишки кийимлар дўкони пештоқидаги “50 фоиз чегирма” ёзувини кўриб беихтиёр ичкарига кирасан.

ЯНГИ ҲАЁТ, ЭЗГУ НИЯТЛАР ФАСЛИ

Эришилмайди ёки яхши бир кенгаши ташкил этиш билан ҳар бўлиб қолмайди. Мўъжизалар аниқ қарашлар, юқори динамика, тинимсиз меҳнат ва яқдил мақсад сари дадил интилиш орқали пайдо бўлади”.

Ҳа, ўзгаришлар динамикасига табиатда ҳам, жамиятда ҳам доим бир-бирига ўхшайди! Масалан, баҳорда ўсимликлар биологик тузилишига қараб аста-секин гуллабди. Жамиятдаги ўзгаришларнинг ҳам барчасини бирдан бажариб бўлмайди. Соҳалар, тармоқлар кесими, шароитидан келиб чиқиб иш тутилади. Дейлик, дастлаб солиқлар адолатли қилинади, молиявий муносабатларда очиқлик ва тенглик муҳити яратилади. Шу тарих тадбиркорлик осонлашади. Иш ўринлари қўлабди, одамларнинг оғири енгил бўлади. Камбағаллик деган дарддан шу зайил ўзоқлашиб борилаверади. Фақат бу ишлар самара бериши учун жамият ҳам табиат каби бир бутунликка эришиши керак бўлади.

Эскиларда гап бор, баҳорнинг аввали серёгин келса, йилда барака бўлади. Айни дам янги қадалган уруғлар бехато униши учун вақти-вақти билан қўёш ҳам чиқиб туриши керак. Соддароқ ифода этсак, ҳақиқий баҳор намлик ва иссиқ ҳаво қоримасидан иборат бўлиши зарур. Худди халқ ва ҳукуматнинг уйғунлиги каби! Жамиятнинг табиат каби яқдиллиги дегани шу...



Дарвоқе, ўзгаришлар ҳақида. Баҳор даррақчиларидан бири бўлган бодом гули кузга бориб ҳосил беради. Ундан сўнг гуллаган ўриклар кўкларнинг адоғидан то ёзининг яримдан ўтгунча меваси билан сийлайди. Ислохотлар бир вақтда бошланиб, натижа-си турфа вақтларда кўринишига мисолда бу ҳам. Янги Ўзбекистоннинг спортчилари қаранг, бирдан халқаро майдонда бўй кўрсата бошлади. Ҳатто оғриқли нуқтаимиз бўлган футболда ҳам яхши натижаларга эришдик. Ўзбек ўғлонлари дунёнинг етакчи жамоаларида тўп сурмоқда. Ёки таълимдаги ўзгаришларни олинг. Бугун мамлакатимиз ёшлари халқаро майдонда тенгдошлари билан бемалол рақобатлаша оляпти. Ҳатто энг нуфузли таълим даргоҳларининг грантларини ютиб олгани-чи! Бу ўзгаришлар баҳор фаслининг илк нишонаси, унинг баракали келаётганидан дарак. Эҳ-ҳе, ҳали олдинда гулга киргану, ҳосили қутилаётган

яна қанчадан-қанча соҳалар бор, санайверсак, санок етмас...

Халқимиз баҳорини илик узилди деб ҳам атади. Бу табиий, чунки ўсиш ва ўзгариш оқатдагидан кўра, кўпроқ қувват талаб этади. Катта қувват бўлмаса, митти майса ҳам илдиз ота олмайди. Тупроқни ёриб чиққан тақдирда ҳам узок яшаш гумон. Шу бонс, баҳорда сумалак, ҳалим каби қувватга бой таомлар пиширилади. Ваҳоланки, сумалакни йил давомида тайёрлаш мумкин, аммо у баҳордаги каби тотли бўлмайди. Нега? Чунки ундаги қувватга ўша вақтдагина эҳтиёж сезилади.

Жамиятдаги дастлабки ўзгаришлар даврида бажарилган айрим ишлар, берилган имтиёزلарнинг вақт ўтиб ўзгариши шунга ўхшайди. Янги Ўзбекистондаги янгила-нишлар ҳам шу йўсин, кўз ўнгимизда со-дир бўлмоқда. Уни кўриб, илғаб олиш эса ана шу жамиятда қанчалик фаол, ижтимоий ҳаётдан нечоғлиқ хабардорлигимиз ва албатта, дахлдорлик ҳиссимизга бог-лик. Зеро, ҳар кун табиат бағрида юрган одам баҳорини тез, бойчечак ниш ургандаёқ илғайди. Фақат жамиятдаги баҳорнинг та-биатдаги фасл ўзгаришидан битта фарқи бор. Жамиятда тўрт фасл баробар кеча-ди. Қайсидир соҳалар қиш — куч йиғиш фаслида, бошқа бири хирмон кўтариш — кузда, яна бошқалари навбатдаги босқичга ўтиш — баҳор фаслида яшаётган бўлади. Мухими шу, доим БАҲОРни йўқотиб қўй-масликдир!

Бугун янги Ўзбекистон Учинчи Ренес-санс деган улкан хирмонни мўлжал олиб йўлга тушган. Ундаги ўсиш ва ўзгариш-ларни, илк ютуқларни кузата туриб кўн-гли тонгдай ёришади — БАҲОР баракали келди!

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Аччиқ бўлса-да, айтиш керак, айрим юртдошларимиз табиатга бепишанд муносабатда бўлмоқда. Баъзилар ҳеч иккиланмай ариққа чиқинди ташламоқда. Бошқалар эса табиатни асраш керак эканини билса-да, унга нописанд муносабатда бўлаётганлар олдидан жим ўтиб кетади. Ортиқча дахмаза нимага керак, уйимизда ичгани сувимиз бўлса, хонадонимиз покиза турса бўлди-да, деб ўйлаймиз. Бироқ янглишамиз.

Еримиз, осмонимиз битта. Ўзимизга алоҳида тоза ҳавони яратиб ололмаймиз. Кўчадаги губор остонамиздан кириб кела-веради. Остонамиз, кўчамиз, маҳалламиз покиза бўлса, ўйимиз пок бўлади. Бунинг учун эса кўнгил экологияси тоза бўлиши керак. Бундай инсонга аслида, экологик таълим ҳам шарт эмас. У қўлидаги харид чекини дуч келган жойга улоқтирмайди. Машина ойнасида чикинди улоқтириб, хотиржам кетавермайди. Чикиндини сара-лаб ташлашдай оддий, аммо муҳим жиҳат-ларга эътиборли бўлади. Бир сўз билан

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ХАЛҚИМИЗ ТАФАККУРИДАН МУСТАҲКАМ ЎРИН ОЛСА...

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси маданият
вазир:

— Халқимизда азал-азалдан кўчат экиб, боғ яратиш энг эзгу амаллардан бири саналади. Буни отанинг фарзанд туғилганида унга атаб яхши ниятда ниҳол қадаганида ёхуд боболарнинг на-бираларига кўчат парваришлашни ўр-гатиш мисолида кўриш мумкин. Бундан ташқари, халқимиз кўклам келганини шунчаки байрам, ўйин-кулги қилиб ку-тиб олмаган. Ҳамжиҳат бўлиб, кўчаю хиёбонларни, йўлларни, ариқларни то-залаган. Яъни экологик маданиятини шу орқали намоён қилган. Бундай хайрли анъаналар шу зайдилда авлоддан-авлодга ўтиб, қадрият даражасига кўтарилганки, табиатни асраб-авайлаш глобал миқёсда долзарб масалага айланган бугунги даврда ушбу анъаналарнинг ўрни ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Зеро, иқлим ўз-гарчишлари замонамизнинг энг жиҳдий “бош оғриғи”дир. Бу алалоқибат озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги, сув ҳамда ресурслардан фойдаланиш муам-моларини кучайтиради.

Президентимиз давлат раҳбари си-фатидаги фаолиятининг дастлабки кун-лариданоқ экологик муаммоларни ҳал этишга жиҳдий эътибор қарата бош-лади. БМТ Бош Ассамблеяси сессия-ларида, нуфузли халқаро анжуманлар ва саммитларда муҳим тақлифларни илгари сурди. Шу билан бирга, амалий



ишлар ташаббускори бўлди. Масалан, Орол денгизининг қуриган тубида юз минглаб гектар ўрмон ва бутазор бар-по этилди. Айни пайтда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида шаҳар ва қишлоқларимизни яшил майдонга ай-лантириш, “яшил” энергетикани ривож-лантириш сэй-ҳаракатлари кучайган. Булар иқлим муаммоларини бартараф

этиш янги Ўзбекистонда давлат сиёса-ти даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Ортимизда 2025 йил Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилинди. Бу ҳам бежиз эмас, албат-та. Президентимиз қайд этганидек, янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади эко-логик барқарорлиқни таъминлаш, иқтисо-дий ўсишнинг ресурслар тежамкорлигига асосланган “яшил” ривожланиш моделига ўтишдир. Унда узоқ кўзланган аниқ ре-жалар ва чора-тадбирлар орқали атроф-муҳит ва экологияга зарар етказмаган ҳолда иқтисодиётнинг муҳим тармоқла-ри ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш кўзда тутилган. Шу туйғайли бугун “яшил



макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 100 минг туп манзарали ҳамда мевали даракт ва бута кўчати экиш режалаштирилган эди. Юртимизнинг барча ҳудудлари бўй-лаб ҳаётга татбиқ этилаётган умуммил-лий лойиҳа маданият ва санъат соҳаси вакиллари ҳам эзгу мақсад атрофида бирлаштирди. Утган йилнинг 23 декабрь ҳолатига кўра, жами 189 минг 900 туп турли даракт кўчати экилди.

Албатта, ҳар биримиз табиатни асраш-ва муносиб ҳисса қўшишимиз, буни дои-мий мақсадга айлантиришимиз керак. Бу билан келажак авлодга ҳам тоза ҳаво, тоза иқлим қолдиришга эришамиз. Бунинг учун, аввало, оилада, жамиятда экологик маданиятни кучайтирсак, бу борада ҳеч қандай назоратга ҳожат қолмайди. Агар бунинг даракт келтирадиган фойдани ту-шуниб етсак, ҳар бир даракхта минглаб назоратчи пайдо бўлади. Дарактнинг жери борлигини ўйлашнинг ўзи унга ин-сондек муносабатда бўлишга ундайди.

Бугун айнан маданиятга асосланган иқлим ҳаракатлари ҳақида сўз бор экан, биз маданий билимлар, урф-одат, анъана ва қадриятларни янада бойитиш орқали атроф-муҳит муҳофазасига ҳам ижодий, ҳам ижобий ёндашишни мустаҳкамлай-миз. Агар экологик маданият тафаккур-да мустаҳкам қарор топса, даракт экиш, маҳаллалар, кўчаю хиёбонларни обод қилиш ҳар бир кишининг кўнгил амрига айланади.

Демак, оилада экологик маданиятни шакллантириш зарур. Бунда ижодий маҳ-сулотлар, дейлик, фильмлар, спектакл-лар, ижтимоий роликлар каби воситалар алоҳида аҳамиятга эга. Утган йил ноябрь ойида Озарбайжоннинг Боку шаҳрида БМТ Иқлим ўзгариши масалалари бўйича конференциясининг 29-сессияси (COP29) доирасида келажак учун ўта муҳим бўлган мавзу — иқлим ҳаракатларига маданият орқали ёндашувни шакллантириш бўйича давра суҳбатларида иштирок этиб, гўзал қадриятларимиз, анъаналаримиз, юрти-миздаги эзгу сэй-ҳаракатлар ҳақида сўз юритдик, фикр-мулоҳаза ва тақлифлари-мизни билдирдик.

Жумладан, иқлим бўйича глобал маданият элчилари дастурини ишга ту-шириш ва шу орқали санъаткорлар, му-сиқачилар, ёзувчилар, блогер ва медиа тарбия таъсирида улғайганимиз учун ҳам атроф-муҳитга, табиатга эътибор-сиз қарай олмаймиз. Аслида, ободлик кўнгилдан бошлангани рости. Кўнгилмиз, амалларимиз тоза бўлса, атрофимиз, маҳалламиз юртимиз обод бўлади. Обод юртга эса байрамлар ярашади. Очик ос-мон остида концертлар берамиз. Кўзи ёниб турган, бахтдан қувнаган ёшлар биз-га янада илҳом бағишлайди. Фарзандла-римиз соғлом бўлса, кўнглига ўйин-кулги сиғади. Саломатлик эса бевоқифа яна табиатга, экологияга боғлиқ. Тоза ҳаво, тоза тупроқ экологик тоза маҳсулот керак уларга. Она тупроқни тоза сақлашни фар-зандлик вазифида деб биламан.

Маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат тупроқни тоза сақлаш ҳақида фикр билдирган. Тупроқда микроблар шаклланиши, чикиндилар тупроққа ара-лашган, иссиқ ҳаво ва шамолда атроф-га зарарли бактериялар тарқатишини айтган. Шунинг учун кўпроқ даракт экиб, атрофимизни яшилликка буркай-лик. “Яшил макон”га битта гул ўсти-риш билан бўлса ҳам ҳисса қўшайлик. Битта ниҳол топдикми, ерга экиб қўй-лик, боғлар яратайлик. Ахир чўпни ҳам кўкартириб юборадиган тупроғимиз бор.

туфлама, тупроқ ўйнаганиндан сўнг қўлингни тозалаб юв, деган кўрсатма-лар хотирамизга муҳрланиб қолган. Бе-хосдан ўша ишларни қилсак ҳам гўёки айбдордек сезардик ўзимизни. Ана шу



вакиллари билан биргаликда иқлим ўзгаришларига қарши курашиш, иқлим бўйича маданий алмашув дастурлари-ни яратиш ва бунинг ёрдамида турли халқлар ўртасида ижобий тажрибалар ва янгиликларни ўзаро алмашиш, иқлим масалаларига бағишланган маданий форумлар ташкил қилиш, жамоатчи-ликни экологик ва ижтимоий масъули-ятга ўргатиш, ижодимиз орқали иқлим ўзгаришлари ҳақида маълумот бериш ва шу каби тақлифларни илгари сурдик. Энди буни халқимиз орасида ҳам кенг тарғиб этишимиз керак.

Биз бугун меҳр билан парвариш қи-лаётган ҳар битта ниҳол кун келиб, улкан даракхта айланади. Қанчадан қанча ин-сонлар ҳазирама иссиқда унинг меваси ҳамда соясида баҳраманд бўлади. Ай-ниқса, ёши улуг нуронийларимиз дуога қўл очиб, кўчат эккан инсон ҳаққига жа-мики яхшиликларни тилайди. Унда эса катта ҳикмат, қўт-барака, фойз бор. Биз ана шу барака, ҳикмат магзини етказиб бера олишимиз керак. Бунинг учун ҳар биримиз тоза табиатнинг тарғиботчи-си, бошқаларга ибрат бўлишимиз зарур. Лўнда айтганда, шахсий ибрат, ислоҳот-ни ўзимиздан бошлаш ва уни кенг тарғиб этиш, моддий — экологик масалаларнинг маърифий ечими ҳисобланади.



ДАВЛАТДАН ЖУДА КАМ ЭЛЕКТР ОЛАМИЗ

Дилшод ИСМАТУЛЛАЕВ,
“Чуст текстиль” тўқимачилик корхонаси раҳ-бар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рационали-затор-иҳтироҳи:

— Юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ор-тидан тадбиркорларга ҳам янги имкониятлар, имтиёзлар берилляпти. Ўзингиз уйлани, энергия, сув тежовчи уску-наларни қўлаш, корхонани “яшил белбоғ” билан ўра-ганимиз сабаб “яшил” тадбиркор мақомига эришиб, қў-шимча имтиёзларга эга бўлиш... бу табиатга жуда катта эътибор. Мажбур янгиликлар ҳозирданок кўпгина тад-биркорларни ҳаракатга келтирди. Аслида, булар шундоқ ҳам тадбиркорнинг фойдасига хизмат қилади. Хусусан, биз бир йилдан буюн кўш панелларидан самарали фой-даланиб келяпмиз. Энг сифатли деб топишган Хитой кўш панелларидан сотиб олганмиз. Уларнинг ўзидан тажриба ўрганиб келиб, ўзимиз ўрнатилишни йўлга қўйдик. Айни пайтда мар-кетинг хизматимиз самарадорлиқни ўрганипти. Мақсад — фойдага ўтиш. Бу 3-4 йилда ўзини оқласа, харажати камайтириш учун ўзимизда ишлаб чиқарилган кўш панелларидан сотиб оламиз. Чунки барча объектларимиз-ни тўқиб шу тизимга ўтказишни режалаштирганмиз.

Президентимиз 2021 йилда корхонамизга таширифта ангар усулидаги қурилишимизга юқори баҳо берган эди. Бугун айнан шу шаклдаги бино-ларимиз бизга катта фойда келтирмоқда. Яъни ангар усулида қурилган биноларга кўш панелларини ўрнатганимиз. Бу анча қулай. Уларни ерга

АНЪАНАЛАРИМИЗНИ ВАКЦИНА СИФАТИДА ҚўЛЛАШИМИЗ ЗАРУР

Ўқтамжон ОХУНОВ,
Андижон вилояти Маҳалла ва нуро-нийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

— Ҳамма даврнинг ўз маданияти бор. Уй-ларимиз пастак, бироқ фойзли — томлари, де-ворлари сувалган, оқланган бўларди. Кечки пайт ота-онамиз ишдан келишига ҳамма ёққа сув сепиб, супуриб қўярдик. У пайтда тамаддун бу-гунгидек бўлмаса ҳам сувни Аллоҳ берган неъм-атлардан бири деб билганмиз. Ариққа қулча оқизиб еб, бирортамиз касал бўлмасдик. Чунки ариқлар ҳам топ-тоза эди-да. Катталар сув кир-ламсин деб ариққа қўл ҳам ювдирмасди. Шун-дай зилол, шаффоф сув оқар эдики, ётиб олиб ичардик. Ариқ бўйлари ҳаммаша гул билан обод эди. Бизникида атиргул экиларди. Ариқни қазиб тозалаш анъанаси ҳам миллатимизнинг қонига сингган. Маҳалла эркаклари билан умумий фой-даланишдаги катта ариқлар тозаланарди. Дадам билан ҳар баҳор уйимиз ичидаги ариқни қазиб тозалардик. Ариқ четига чиқарганимиз балчиқ-ниям челақда томорканинг бир чеккасига олиб бориб ташлардик. Ҳайвон ҳеч қачон ариқ бўйи-га боғланмаган. Молхонани ҳар кун икки марта тозалаб, супурилган жойига тупроқ сепардик. Энди билсам, тупроқ сепилган жойда пашша кўп айланмас экан. Мағзава ҳам тўғри келган ерга эмас, ҳовлининг бир бурчагида қазилган ўрага тўқиларди. Ҳатто ҳовлида қуралган тоза қор ариққа, лой аралашган таг қисми томорқага ташланарди.

Қолаверса, дарактларга ҳам ўзгача меҳр би-лан қарардик. Зарурат сабаб даракт кесилишга тўғри келса, ўрнига дарҳол 2 тасини экиб қўяр-дик. Бу билан яшилликнинг боқийлиги таъмин-ланган экан. Борган сари ота-боболаримизнинг ақл-зақосига қойил қоляпман. Биз қўрган қат-таларнинг ҳаммаси экофаол эди. Улар туйғайли ҳар бир маҳалла обод, тоза бўлган. Юрши-туриш, ейиши покиза халқнинг фикри ҳам, ния-ти ҳам покиза бўлади. Айтинг-чи, ҳақиқий эко-логик маданият, соғлом турмуш тарзи эмасми бу? Балки шунинг учун ҳам у пайтларда касал-лик кам бўлгандир?

Яна бир нарсани англадим, ота-оналаримиз тонгда мактабга, ишга кетишимиздан олдин бежиз бизни бирор иш қилишга ўргатмаган экан. Бу бора-бора одатга айланади. Эрталаб-ки ҳаракат эса кун бўйи тетик юришимизга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳозир ҳам уйку-дан тургач, бир стакан тоза сув ичиб, бир соат пиёда юраман. Ишхонада ҳам имкон қадар



яёв юришга ҳаракат қиламан. Кечки овқатдан сўнг пиёда юриш кўрсаткичимни 10 минг қа-дамга етказмагунча ухламайман. Бу ҳар кун и беш, беш ярим километр яёв юриш дегани. Президентимиз биз, нуронийларга “Яёв юриш-ни сизлар тарғиб қилинлар”, дегани жуда яхши бўлди-да. Тарғиботни аввал ўзимда синнаб кўрдим. Пиёда юрган одамнинг қиймати яхши бўлади. Бошқа спорт турларидагидек кучли то-лиқиш сезмайди.

Япон ўқувчиларининг мактабни тоза тути-шига ҳавас қиламиз. Аслида, японлар биздан ўрганган бўлса не ажаб. Чунки ўқувчилик давримизда бир ҳафтада бир марта синфдош шеритим билан синфхонамизни тозалаб кетар-дик. 4-синфдан бошлаб шунга одатланганмиз. Эгат олишни ҳам мактабда ўргатишган. Чунки тажриба участками бўларди. У ерда гул ўсти-рардик. Ҳозирги ёшларга ҳам тўғри тушунтирар олсак, мактабни тозалаш, даракт экиш тадбир-ларини мажбурий деб қабул қилмайди. Чунки жуда кўп ёшлар билан учрашаман. Юқоридаги хотираларини айтиб берганимда, аксарияти-нинг юз-қўзига ўзгариш сезаман. Диққат билан эшитаётганидан хурсанд бўламан. Фақат, айт-ганимдек, тўғри тушунтиришимиз керак. Зеро, ҳозир мактабларда алоҳида тарбия дарси ҳам ўтиляпти. Вақт ҳам, имкон ҳам бор.

Шуни унутмаслик керакки, бу тараққиёт дегани ахшилик билан бирга, баъзи ноқўя таъ-сирларни ҳам олиб келади. Улардан сақланиш учун ахлоқий, маънавий қадриятларимизни вакцина сифатида қўллашимиз керак. Тўғри, рақамлаштириш, замонавийлаштиш яхши. Ле-кин биз шаклланаётган болалар билан ишлай-миз. Уларга экологик маданиятни туб моҳияти, ҳаётий мисоллар билан сингдира олсак, албат-та, қабул қилади.

Масалан, БМТнинг сув тўғрисидаги статис-тикасини ўқиб кўриб кетдим. Биз бемалол ишлатаётган сувга қаерлардадир одамлар ой-лигининг 70 фоизини сарфляпти. Ўзимизда ҳам дўконларга келаётган 5 литрли, 10 литрли минерал сув тез сотиляпти. Бу тоза сув кам-ийиб бораётганидан далолат ахир. Шунин биллиб туриб ҳам сувни қадрлашганимиз ачинарли. Сувни туганмас ресурс деб биладиган болала-римизга шунча мисоллар билан гапирсак, ло-ақал юздан бири сувни тежаш кераклиги ҳақи-да ўйлайди.

Биз, Андижон нуронийлари ҳам имкон қадар сув тарғиботини бошладик. Беҳу-да оқаятган сув қувурига жўмрак қўйиш, ёрилганларини тузатишни назорат қилиш охиёбаётни тежашга ёрдам беради. Сувнинг бир томчиси ҳам азиз. Атроф-муҳитни асрашга шундай ҳисса қўшишимиз керак. Болаларимизга йил номининг асл моҳия-тини аналата билишимиз шарт. Шундагина улар табиатни ўзини асрагандай ҳимоя қи-лаш зарурлигини ҳис қилади.

БИТТА НИҲОЛ ТОПДИКМИ, ЕРГА ҚАДАЙЛИК!

Жаҳонгир ПОЗИЛЖОНОВ,
хонанда:

— Давлатимиз раҳбари 2025 йилнинг номини эълон қилганида хурсанд бўлдим. Чунки йил номи остида мамлакатимизда улкан ободончилик ишлари бўлади. Қўп-лаб боғ-роғлар ташкил этилади. Яшил ма-кон яратиш йўлидаги умуммиллий ҳара-катимиз ҳар қачонгидан-да кучаяди.

Шу билан бирга ўйлайман, наҳотки, бугун табиатни асрашимиз учун алоҳида тарғибот керак бўляпти? Наҳотки буни алоҳида ўрганишимиз керак? Халқимиз азалдан барака покликда бўлишини ай-тиб келган-ку? Аждодларимизнинг та-биатни ниҳоятда улуғлагани бизга сабоқ эмасми? Сувни, тупроқни гоят азиз бил-ган-ку улар.

Болалигимизни эсласам, қанчалик шўх бўлмайлик, ота-онамизнинг гапига қўлоқ солган эканмиз. Масалан, тўғри келган жойга чикинди ташлама, сувга



туфлама, тупроқ ўйнаганиндан сўнг қўлингни тозалаб юв, деган кўрсатма-лар хотирамизга муҳрланиб қолган. Бе-хосдан ўша ишларни қилсак ҳам гўёки айбдордек сезардик ўзимизни. Ана шу



восидан нафас олаётган барчанинг шарафли бурчидир. Айниқса, ўзини маданиятли ҳисоблаган тадбиркор табиатга зарар етказмаслик, ундаги ресурслардан оқилона фойдаланиш, авайлашни ўйлаш шарт. Чунки жа-мийят, кўпгина ёшлар бизга ҳавас билан қаради. Уларга намуна бўлиш-миз зарур. Қолаверса, табиатга, одамлар соғлиғига зарар етказиш билан қўриладиган фойда узоққа бормади. Шундай экан, аввало, борлиқдаги неъматларни қадрлайлик.

Муножат МЎМИНОВА,
эзиб олди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИ — ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШГА САМАРАЛИ САФАРБАРЛИК



Ботир ЗОХИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазири

Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2023 йил 24 майдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида асосан, қоғозсиз иш юритишга ўтиш жараёнини жаддалаштириш мақсадида “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизими ишга туширилган.

Бу эса, ўз навбатида, электрон ҳужжатлар алмашинувини тезлаштириш, топшириқлар ижро ҳолатини реал вақт режимда кузатиш ва ижро муддатини бузган масъулларга қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриш имконини беради.

2024 йилда “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизими орқали жами 44,3 мингта топшириқ рўйхатга олинди.



Таҳлил ва таққос

Банкларга ишонч масаласи улар пайдо бўлгандан буён долзарб. Бугунги дунё ўзининг кескин силкинишлари, ахборот сиркуляри, замонавий технологияларнинг тез суръатда ҳаётимизга кириб келаётгани билан ажралиб турибди. Геосиёсий ва геоиқтисодий ўзгаришлар ҳақон банк-молия секторига ҳам таъсирини ўтказишга ва тизим олдиға улпан вазифалар қўймоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида банк тизимида ислохотларни жаддалаштириш, хизматлар бозори ҳажмини ошириш ва соҳада рақобатни ривожлантириш вазифаси қўйилган. Айнан ушбу вазифани ҳал этишдаги муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири сифатида 2025 йил 18 февралда қабул қилинган “Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида”ги қонунни келтириш мумкин. Чунки ушбу қонунда қатор ижобий ўзгаришлар назарда тутилган. Жумладан, давлат жисмоний ва юридик шахслар депозитининг 200 миллион сўмгача қисмини кафолатлайди — жисмоний ва юридик шахсларнинг омонати давлат томонидан ҳимояланади. Илгари фақат фуқароларга татбиқ этилган кафолат энди бизнес учун ҳам амал қилади. Омонатни қайтариш муддати 83 кундан 7 кунгача камайтирилади: 2026 йил 1 январдан 15 кун, 2027 йил 1 январдан эса 7 кун бўлади. Омонатларни кафолатлаш агентлиги ташкил этилди. Банк тизимидаги барқарорликни таъминлаш учун янги институт иш бошлайди. Бу эса банкларга ишончини янада мустаҳкамлайди.

Хусусан, Президентимизнинг фармон, қарор ва мажлис баёнларида 1 843 та, Президент Администрацияси ҳужжатларида 371 та, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида 994 та, ҳукумат комиссияси топшириқларида 175 та, Бош вазир раҳбарлигидаги йиғилиш баёнлари ва топшириқ (резолюция)ларида 1277 та, шунингдек, вазирлик ва идоралардан келиб тушган ҳужжатлардаги 41 минг 612 та вазифа ижрога қаратилган.

Белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун “[Ijro.gov.uz](http://ijro.gov.uz)” ягона электрон тизимида назоратга олинган ҳар бир топшириққа календарь режа ҳамда вазир ўринбосарлари кесимида “йўл харита”лари ишлаб чиқилиб, топшириқлар ижроси кунбай назорат қилиб борилмоқда.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “[Ijro.gov.uz](http://ijro.gov.uz)” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида “[Ijro.gov.uz](http://ijro.gov.uz)” ягона электрон тизимидаги топшириқлар ижроси юзасидан ҳар ҳафта душанба кунни раҳбар ҳузурида, ҳар ҳафтанинг жума кунни эса раҳбар ўринбосари ҳузурида танқидий муҳокама ўтказиш ҳамда Назорат ва ижро интизоми бўлими ижро учун топшириқ бириктирилган ходимлар билан индивидуал тарзда ишлаш ва уларга қўмаклашиш тартиби йўлга қўйилган.



Бу амалий чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. 2024 йилда “[Ijro.gov.uz](http://ijro.gov.uz)” ягона электрон тизимида назоратга олинган жами 1843 та топшириқдан 1732 таси ёки 94 фоизининг ижросини муддатидан олдин таъминлашга эришилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2025 йилнинг I чорагида “[Ijro.gov.uz](http://ijro.gov.uz)” ягона электрон тизимида 522 та топшириқ (январь — 202 та, февраль — 205 та, март — 115 та) ижроси белгиланган муддатларда сифатли таъминланиши кунбай назоратга олинган.

Устувор вазифаларнинг ўз вақтида, самарали ва тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларнинг иш юритиш малакаси ва касбий даражасини ошириш мақсадида 2025 йилнинг январь-март ойларида иқтисодий ўқишларни ташкил этиш вазифаси юклатилган.

Шунга мувофиқ, жорий йил 24 январь кунни вазирлик марказий аппарати, тизим ташкилотлари ва ҳудудий бўлинмаларининг раҳбар ва мутахассислари иштирокида иқтисодий ўқиш ўтказилди.

Бу каби ўқишлар ҳар ойда белгиланган жадвалга асосан, мунтазам ўтказиб борилади. Мазкур семинарларда Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлиги масъул ходимлари ҳам иштирок этиб келмоқда.

Ижро интизоми масаласи вазирликнинг кенгайтирилган мажлисларида мунтазам муҳокама қилиниб, бошқарув тизимининг энг қуйи бўғинигача раҳбар ва масъул ходимларнинг шахсий жавобгарлигига эътибор қаратилади. Ижро интизомига тўғри ёндашувни амалга ошириш учун вазифа бириктирилган масъул ходим, аввало, топшириқларини тўғри тушуниши зарур, бу эса ўз-ўзидан

Белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун “[Ijro.gov.uz](http://ijro.gov.uz)” ягона электрон тизимида назоратга олинган ҳар бир топшириққа календарь режа ҳамда вазир ўринбосарлари кесимида “йўл харита”лари ишлаб чиқилиб, топшириқлар ижроси кунбай назорат қилиб борилмоқда.



белгиланган вазифани тўлиқ бажаришга тайёр бўлишини таъминлайди.

Ҳар бир топшириқ замирида инсонлар ҳаёти ва тақдири, орзу-мақсадлари, фарзандларимиз келажаги, ватан равнақиға дахлдор вазифалар мавжуд. Буни бугун бажармасак, ўйлаган ҳамда кутган натижаларимизга эриша олмаيمиз.

2024 йилда 5 миллион кишининг бандлигига қўмаклашиш дастури ишлаб чиқилиб, йил мобайнида 5 миллион 265 минг аҳоли даромадли иш билан таъминланди. 326 мингта микролояҳа ишга туширилиши ҳисобиға 578 мингдан ортқ янги иш ўрни очилди.

Ерни эҳтиёжманд оилаларға ижараға бериш, уларнинг деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилиши қўллаб-қувватлаш орқали ҳам қутилган натижаларға эришилди. Ижараға берилган 61,4 минг гектар экин майдонидан фойдаланиб, 158 минг 400 аҳоли даромад манбаиға эға бўлди.

Аҳолининг қулай ва мўмай даромад топишида оилавий тадбиркорликнинг ўрни жуда муҳим экани, кичик бизнесни ривожлантиришда унинг аҳамияти катталигини яхши англаймиз. Ана шундан келиб чиқиб, ўтган йилда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 372 мингта лойиҳа имтиёзли кредит билан қўллаб-қувватланди.

Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури доирасида ўқув курсларида 54 мингдан зиёд тадбиркор ўқитилди. Махсус ўқувларни тамомлаган тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш кучайтирилса, албатта, янада юқори натижаларға эришилади. Мана шуларни инобатға олиб, комплекс дастур доирасида курсда қўшимча таълим олган тадбиркорларнинг 90 фоизиға кредит ажратилди.

Шу билан бирға, 67 минг 700 нафар ишсиз, айниқса, камбағал оила аъзолари

нинг тадбиркорлик, касаначилик, хунарамандлик фаолиятини рағбатлантиришға субсидиялар ажратилди.

Мамлакатимиз ёшлар мамлакати, дея эътироф этилади. Бу бежиз эмас, ҳар йили юртимиз таълим муассасаларини ғайрат-шижоатға тўла бир неча юз минг ўғил-қиз тамомлайди. Уларнинг бандлигини таъминлаш эса олдимиздаги долзарб вазифаларимиздан бири саналади.

2024 йилда ўқув муассасаларини 754 минг йигит-қиз тамомлаган. Уларнинг 417 минг нафарини иш билан банд қилишға қўмаклашилди.

Ўтган йил давомида 234 минг 300 нафар ишсиз юртдошимиз касб-хунарав тадбиркорлик кўникмаларига ўқишға жалб этилди.

Ҳар қандай соҳада яхши даромадға эға бўлиш учун, аввало, касбни яхши ўзлаштириш, йўналишда таълим ва малакани эғаллаш муҳим. Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида касб-хунарав ўрганишға қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ўтган йилда 118 минг 800 талабгор касбға ўқиш курсларида зарур билим ва малакаға эға бўлди.

Президентимиз бошчилигида камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатға айланди, ушбу соҳада эришилган ижобий натижалар ва тўпланган миллий тажрибаларни рўёбға чиқариш учун “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури қабул қилинди.

Мамлакатимиз бўйича энг оғир аҳволдаги 1024 та маҳалла республика даражасидаги раҳбарларға бириктирилиб, уларнинг инфратузилмасини яхшилаш дастури ишлаб чиқилди. Ушбу тоифадаги маҳаллаларда томорқани сўғориш тармоғини яхшилаш бўйича жойларға чиққан ҳолда ўрганишлар ўтказилди.

Республикаимизда барқарор ва юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланганлиги камбағаллик даражасини 2023 йилдаги 11 фоиздан 2024 йилда 8,9 фоизға қисқартиришға имкон яратди.

2025 йилда 1,5 миллион аҳолини камбағалликдан қилиш орқали камбағаллик даражасини 6 фоизгача тушириш режалаштирилди.

Юртимизда “Инсон қадрини учун” таъмоили асосидаги ислохотларни амалга оширишда ижро интизоми асосий ҳаракатлантирувчи омил эканини доим англаб, куч-ғайратимизни ўзимизға юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришға сафарбар этишимиз лозим.

ОМОНАТ ҲИМОЯСИ ЯНАДА ИШОНЧЛИ БЎЛАДИ

“Ҳар қандай мамлакатда банк тизимига ишонч, аввало, давлатга ишончнинг таъминлайди. Банклардаги омонатни ҳимоя қилиш кафолатларининг тўғри йўлга қўйилиши аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тизимга ишончини янада ошириш, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, банклараро рақобатни кучайтириш ва турли молиявий инкйрозларнинг олдини олишда муҳим механизмдир.”

ларига эътибор қаратиш лозим. Аввало, банк тизимига ишонч мустаҳкамланиши омонатларнинг банк секторига узоқ муддат сақланишини таъминлайди. Омонатларни қайтариш муддати қисқартирилиши мижозлар учун пул маблағига талабни тезкор қондириш имкониятини пайдо қилиш баробарида банклар билан узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Шунингдек, олдинги тартибда кўзда тутилмаган юридик шахслар ва тадбиркорлар учун кафолат механизмлари жорий этилиши туфайли мамлакатда бизнес муҳити яхшиланади ва кредит ресурсларидан фойдаланиш натижадорлигига хизмат қилади. Омонатларни кафолатлаш агентлиги ташкил этилгани ушбу йўналишда тизимли назорат ва хавфларни бошқариш самарадорлигини оширади. Бундан ташқари, банк тизимидаги молия-

вий барқарорликни таъминлаш мақсадида қабул қилинган мазкур қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг омонатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эға.

Халқаро тажрибадан маълумки, депозитларни кафолатлаш тизими мавжудлиги банк сектори барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, АҚШда 1933 йили Федерал депозитларни сўғурта қилиш корпорацияси ташкил этилган, банклардан омонатларни ёппасига олиб чиқиб кетиш муаммоси сезиларли даражада камайган.

Германия тажрибасига кўра, омонатларни кафолатлаш тизимининг муваффақиятли фаолияти банк секторининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади. Европа Иттифоқи томонидан жорий этилган



сўнгги қондаларға мувофиқ, 100 минг евро миқдорига кафолатлаш тизими жорий этилган бўлиб, бу турли молиявий инкйрозлар даврида омонатчиларнинг банк тизимига ишончини сақлаб қолишда жуда муҳим.

Ҳар қандай мамлакатда банк тизимига ишонч, аввало, давлатга ишончнинг таъминлайди. Банклардаги омонатни ҳимоя қилиш кафолатларининг тўғри йўлга қўйилиши аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тизимга ишончини янада ошириш, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, банклараро рақобатни кучайтириш ва турли молиявий инкйрозларнинг олдини олишда муҳим механизмдир.

Ўзбекистон учун омонатларни самарали ҳимоя қилишни кафолатлаш тизими жорий этилгани бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди. Ҳуқуқий томондан мустаҳкам кафолатланган омонат тизими орқали аҳоли ва бизнес субъектлари

ўз маблағининг банкларда хавфсиз сақланишига ишонч ҳосил қилади. Бу эса банкларға узоқ ва барқарор муддатли депозитларни жалб қилиш имконини беради. Шу билан бирға, депозитларнинг юқори даражада ҳимоялангани банклардан маблағларнинг оммавий олиб чиқиб кетилиши хавфини камайтиради. Шунингдек, банкнинг ликвидлигини сақлаш ва молиявий инкйрозлардан ҳимояланиш механизмларини янада кучайтириш имконини беради. Бунинг натижасида банк секторидидаги барқарорлик ва инвестициявий жозибадорлик ортади. Буларнинг барчаси Ўзбекистон иқтисодиётининг узоқ муддатли барқарор ривожланишини таъминлашға хизмат қилади.

Исроил ЖўРАЕВ,
иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори

УШБУ МАКОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Янгича ёндашувлар

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил қилади. Замонавий ахборот технологиялари, дастурий маҳсулот яратиш ва аутсорсинг хизматлари кўрсатишга кенг жалб қилиш орқали уларни иш билан таъминлаш муҳим вазифа.



Ўқитиш имконини беради. Меҳнат бозори учун янги йўналишни шу платформа орқали ўрганиш, янги кўникмаларга эга бўлиш мумкин. Пировардида тингловчи мазкур курсни тамомлагани тўғрисидаги сертификатга эга бўлади.

Иккинчи босқичда жаҳондаги етакчи Coursera платформаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу платформада хорижий тилини билиш талаб этилади. Айни пайтда ўзбек тилини платформадаги устувор тиллар қаторига қўшиш устида ишланяпти. Платформада янги билимларни ўрганиш ва имтиҳон топириб, халқаро сертификатга эга бўлиш мумкин. Бу дунё меҳнат бозорига йўлланма деганидир.

Бугун АКТ имкониятларидан фойдаланиб даромад топаётган ёшлар сони кундан кунга ошиб борапти. Шулардан бири Тошкент

“БИР МИЛЛИОН ДАСТУРЧИ” ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТ, ИХТИРО ВА ҒОЯЛАР МАЙДОНИ



“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси ана шу эзгу мақсадга қаратилган. Машгулотларда энг керакли 4 та йўналиш — маълумотларни таҳлил қилиш, андроид иловалар, веб-иловалар ва дастурий таъминот ишлаб чиқиш бўйича ўзбек тилида субтитр воситасида бепул видеокурслар тақдим этилади.

Лойиҳадан кўзланган мақсад Ўзбекистонда ёшларни ахборот технологиялари соҳасига жалб этишдир. У uzbecoders.uz махсус портали орқали аҳолининг кенг қатлами ахборот технологиялари мутахассислиги бўйича масофавий ўқитишни назарда тутди.

Биринчи босқич доирасида бепул онлайн ўқув курслари ташкил этилган. 2023-2025 йилларда “Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг навбатдаги босқичи сифатида хорижийнинг нуфузли таълим платформаларида мазкур йўналишдаги онлайн ўқув курсларида таҳсил олиш имкониятини яратиш мақсад қилинган.

Вазирлик томонидан ёшларга uzbecoders.uz платформаси орқали АҚШнинг Coursera платформасининг онлайн таълим курсларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Coursera масофавий таълим платформаси бўлиб, унда 300 га яқин етакчи университет (Стенфорд, Йель, Иллинойс, Дьюк, Мичиган ва бошқалар) ҳамда

компанияларнинг 5 йўналишдаги 12 мингта профессионал таълим ресурси жойлаштирилган.

Courseraning ўзбекистонлик 1,5 миллион фойдаланувчиси бор. Бундан 1 миллион 60 мингдан зиёди uzbecoders.uz платформаси орқали рўйхатдан ўтган. 2023-2024 йилларда Coursera платформасининг бошланғич даражали курсларида 450 мингдан зиёд, профессионал курсларида 3000 та халқаро сертификат қўлга киритилган.

Ушбу глобал онлайн таълим платформасининг Марказий Осиё минтақаси координатори Эдуард Канинг маълумотига кўра, Ўзбекистонлик 1,5 миллион фойдаланувчининг 90 фоизи ўқувчилардир. Coursera платформасида фойдаланувчилар сони бўйича Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчи ўринда туради. Бу эса юртимиз ишчи кучини меҳнат бозорига талаб юқори кўникмалар билан таъминлашга энг кўп сармоя киритаятган мамлакат эканидан далолат беради.

Платформада ўзбек фойдаланувчилар энг кўп қизиқиб билдираётган йўналишлар эса дастурлаш, Data Science компютер саводхонлиги, графика ва дизайн ҳамда хорижий тиллардир.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси 2025-2026 йилларда халқаро ахборот

технологиялари сертификати олганлар сони 1,5 миллионга, профессионал халқаро ахборот технологиялари сертификати олганлар сони эса 30 мингга етказиш белгиланган. Қолаверса, лойиҳа доирасида юқори натижа кўрсатган энг яхши 2 мактабга Президент совғаси — электромобил берилиши ҳам режалаштирилган.

Шу билан бирга, лойиҳа доирасида 14 та ҳудудда энг юқори натижа кўрсатган ўқувчиларга 1000 та нoutбук ва қимматбаҳо совғалар, энг илғор 10 ўқитувчининг чет элга саёхати, лойиҳа доирасида энг юқори натижа кўрсатган 100 нафар ўқитувчига 10 миллион сўмдан пул мукофоти, етакчи 3 та олий таълим муассасасига пул мукофоти берилади.

Ҳозирда юқори малакали дастурчи ва мутахассисларга эҳтиёж катта. Бугунги кун ва келажакимизни ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда соҳанинг етук кадрларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, бу каби эътибор минглаб дастурчи ёшлар шаклланишига замин ҳозирлайди.

— ХХI аср жуда катта имкониятлар асри, — дейди Рақамли таълимни ривожлантириш маркази бош мутахассиси Илҳом Жўраев. — Ўтган асрда фақат ўқиш ёки ёзишни билган одам саводли ҳисобланган бўлса, бугун рақамли технологияларни пухта эгаллаган одам меҳнат бозоридида ўзини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади. “Бир миллион дастурчи”нинг асосий мақсади шу — халқаро меҳнат бозорига аҳолининг кенг қатламини тайёрлаш, илғор платформаларни харид қилиб, имтиёзли равишда ўқитиш, ёшларга бепул, имтиёзли курслар бериш. Шу орқали уларни нафақат маҳаллий, балки жаҳон бозорига тайёрлаш кўзда тутилган. Лойиҳанинг биринчи босқичида номзодлар Udemu платформаси орқали ўқитилади. Бу платформа олий таълим муассасалари томонидан бошқариладиган бошқа онлайн таълим платформаларидан фарқи ўлароқ, контент яратувчиларига ўз курсини назорат қилиш ва онлайн

ахборот технологиялари университети магистранти Асадбек Қаршиев.

— Ҳозир университетда сунъий интеллект бўйича таҳсил оляпман. Шу билан бирга, Бизнесни ривожлантириш банкида дастурчи бўлиб ишлапман. “Бир миллион дастурчи” лойиҳасида ўрганганларим фаолиятим давомида ташкилотларнинг ички тизимини дастурлаш қўл келмоқда. Қолаверса, шу орқали мўмай даромад ҳам топяпман, — дейди у.

Дастурий маҳсулот ва рақамли хизматларни тақдим этиш учун қўлай шарт-шароит яратиш, уларни ички ҳамда ташқи бозорга олиб чиқиш, инновацион ишланмаларни рағбатлантириш самара берапти. Бугун “Бир миллион дастурчи” лойиҳасида бепул таҳсил олиб, ишини йўлга қўйган, шу орқали даромад топаётган ёшлардан яна бири Мирзо Улуғбек Бафоев. У нутқида муаммоси бор одамлар учун имо-ишора тили таржумаси устида ишляпти. Изланиши дастурлаш билан боғлиқ. Ўқув марказида ёшларга ахборот технологиялари йўналишида таълим ҳам бермоқда. Умуман, бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастурида “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доира-сида ёшларни нуфузли халқаро компаниялар талабларига мос дастурлар асосида тайёрлаш вазифаси белгиланган.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг навбатдаги босқичида хорижийнинг нуфузли таълим платформаларида онлайн ўқув курсларида таҳсил олиш имкониятини яратиш, лойиҳа доира-сида 15 минг ёшнинг онлайн ўқув курсларида таълим олишни таъминлаш, энг яхши натижа кўрсатқанлар ва иштирокчиларни муносиб рағбатлантириш кўзда тутилмоқда.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ЁШЛАР МЕҲНАТ БОЗОРИДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИШИГА мактаб ҳам масъул

Ёшлар — келажакимиз пойдеворини барпо этувчи қимматбаҳо бойлик. Уларни қўллаб-қувватлашга оид саяё-ҳаракатлар замирида шу ҳақиқат ётибди. Дунё ҳамжамияти Ўзбекистонда ёш авлодга қаратилаётган эътибор, қўлга киритилаётган ютуқларни эътироф этмоқда. Бундай эътиборнинг навбатдаги ёрқин намунасига Президентимизнинг яқинда ёшлар билан мулоқотида яна бир бор амин бўлдим.



Илҳомжон Жўраев,
Ғарғона туманидаги
55-мактаб директори

Бугун мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан зиёд йигит-қиз кириб келмоқда. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллионга етиши кутиляпти. Бу жуда салмоқли рақам. Хўш, ёшларнинг меҳнат бозорига ўз ўрнини топишига қандай қилиб ёрдам бериш мумкин? Шубҳасиз, бу борада мактабларнинг ўрни катта.

Бола ҳаётининг оқ-қорасини энди таний бошлаган паллада мактабга қадам қўяди. У ерда таълим олади, ён-атрофидагилар билан мулоқот қилишни ўрганади. Орзу-мақсадларга эришиш учун ҳаракат қилади. Қисқаси, мактаб инсон учун ҳақиқий камолот даргоҳи.

Мактабда аъло баҳоларга ўқиган, ўз олдига улкан мақсадлар қўйган, илм йўлини танлаган ҳар бир ўғил-қиз кейинги маърифат даргоҳи олийгоҳ бўлишини истайди. Илгари бундай имконият барча ёшга ҳам насиб этавермасди. Сабаби, олий таълимда битта ўрин учун ўйлаб абитурient кураш олиб боришга мажбур эди. Бугун эса олий

гоҳлар сони 3 баробар ошгани натижасида олий таълимга ёшларнинг 42 фоизи қамраб олинмоқда. Айниқса, ўқув шартнома суммаси давлат томонидан ўқлаб берилаётгани ҳисобига ОТМларда ўқиётган аёл-қизлар сони 11 қарра кўпайди.

Ёшлар, жумладан, битирувчи йигит-қизларга имкониятлар тобора кўпаяётгани уларнинг ўзига ишончини мустаҳкамлаш билан бирга, таълим соҳаси ҳодимлари учун ҳам ўзгача қувонч бағишлайди. Сабаби, бирор устоз йўқки, шогирдларининг камолотини истамаса.

Бугун имкониятларнинг салмоғи анча катта. Ёшлар ўз олдига қандай эзгу мақсад қўймасин, барчасига эришиши учун қўллаб-қувватланмоқда. Бунга мисол, бугун дунёдаги нуфузли университетларда 1500 дан зиёд Ўзбекистонлик йигит-қиз таҳсил олмоқда. Биргина “Эл-юрт умиди” жағмармаси орқали сўнгги 7 йилда 2300 ватандошимиз хориққа ўқлишга кетди. Мазкур кўрсаткич аввалги 25 йилда 800 нафар эди.

Битирувчилар орасида тадбиркорлиқни танлаган ёшлар ҳам кўпчилигини ташкил этади. Бу ўз-ўзидан айни масалага ҳам бефарқ қарамаслик кераклигини англатади. Давлатимиз раҳбари жорий йил 14 февраль куни ёшлар билан мулоқотида ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган 3 та муҳим ҳужжат имзоланганини маълум қилди. Бу қарорлардан биринчисига кўра, Ёшлар агентлиги ҳузурида жағмарга тузилиб, унга 100 миллион доллар мabлаб ажратилади. Энди тадбиркор ёшларга 2,5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит берилади. Стартан лойиҳаларига 2 миллиард сўмгача инвестиция киритилади.

Мамлакатимизда ёшлар учун сифатли таълим ва тадбиркорлик муҳитини яратиш бора-сидида ишлар наққадорлиги ва узоқ муддатта мўжаллангани билан диққатга сазовор.



Туризм

Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёни, иқтисодий рақобатга қарамай, туризм индустрияси иқтисодиётнинг фаол ривожланаётган тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Бунда барча давлат ўзи учун қўлай сайёҳлик йўналишини, яъни бозорда мавқеини эгаллаш, хизматлар кўрсатишнинг ҳар томонлама қўлай йўналишларини танлашга ҳаракат қилмоқда.

Бунинг асосий сабабларидан бири туризм ривожланган давлатлар унинг сердаромад эканини англаб етаётганида. Яъни сайёҳлик орқали топиладиган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб боради.

Тармоқда очилган битта иш ўрни бошқа соҳаларда қўшимча икки кишининг бандчилигини таъминлайди.



БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ ДҮРДОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЁҲЛИК ХИЗМАТЛАРИ ЭКСПОРТИ 3,5 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОШДИ, ЛЕКИН БУ НЕГА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА МОС ЭМАС?



Алишер ЭШПАТAEВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Ўзбекистонда ҳам сайёҳлик соҳасида жуда катта ўзгаришлар бўлмоқда. Бу хусусда шу йил 7 февраль куни Президентимиз раислигида ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселекторда батафсил сўз юритилди. Таъкидланишича, сайёҳликни ривожлантиришга қаратилган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Халқаро ва маҳаллий тадбирлар, янги таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиши, янги сайёҳлик маҳсулотлари, янги йўналишларни ривожлантиришга оид саяё-ҳаракатлар анча фаоллашди. Натижада ўтган йили туризм хизматлари экспорти 3,5 миллиард долларни ташкил этди. Лекин бу имкониятларимизга мос эмаслиги алоҳида қайд этилди. Масалан, Малайзия ва Индонезияда нақшбандия тарихатининг 7 миллионга яқин издоши бор. Улар умрага боришдан олдин зиёратгоҳларимизга келишни истайди. Бу сайёҳларни Куала-Лумпур ёки Жакар

тадан Самарқанд ва Бухорога камида 2 кунга олиб келиб, кейин ўзимизнинг самолётда умрага юбориш учун барча шароит мавжуд. Шу боис, мутаасаддиларга Малайзия ва Индонезия зиёратчилари учун “Умра плюс” турпакетини жорий этиш топирилади.

Шахрисабзда Оқсарой, Хивада Ичан қалъа, Бухорода Лаби ҳовуз, Тошкентда “Янги Ўзбекистон” майдонлари бўлса-да, уларда концерт, кўргазма, форумлар ўтказиш бўйича аниқ режалар қилинмаган. Ўзимиздаги 6 та туристик марказда халқаро даражадаги санъаткорларнинг концерти ташкил қилинса, меҳмонхона, ресторан, кафе, савдо ва хизмат кўрсатиш объеклари сайёҳлар билан янада тўлади.

Йиғилишда Туризм қўмитасига сайёҳлар учун меҳмонхона, дам олиш масканларини банд қилиш, авиа ва темир йўл, музей, театр-га чипта сотиб олиш, гид ва таржимонлар ёллаш каби хизматларни масофадан туриб олиш имконини берадиган ағона платформани ишга тушириш вазифаси топирилди.

Сайёҳларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, туризм ва сервис жойларини кечкурун ҳам ишлайдиган қилиш кераклиги

таъкидланди. Сўнгги уч йилда 27 турдаги давлат хизмати хусусий секторга берилди. Лекин вазирликларда бу йўналишда ҳали қилинадиган ишлар жуда кўплиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борада тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлардан бири бўлган эди. Ушбу фармон асосида иқтисодиётда биринчи маротаба туризмга стратегик сектор мақоми берилган. Натижада Ўзбекистонда хорижий ҳамда маҳаллий сайёҳларга хизмат кўрсатиш ёндош соҳа ва тармоқларини ривожланишини таъминлашда янги босқич бошланди.

Тармоқни етакчи қучага айлантириш, иқтисодиётни таркибий ўзгарттириш ва диверсификациялаш, бандлиқни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ҳамда сифатини оширишга эътибор қаратилди. Пировардида юртимизда 2017-2024 йилларда бу борада жуда кўп янгилликлар кузатилди. Қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 10 та боб, 45 та моддадан иборат

“Туризм тўғрисида”ги қонуннинг янги тахрири қабул қилинди.

Хорижий давлатлардан келувчилар учун виза режими соддалаштирилди. Айни пайтда 93 та давлат фуқароси учун визасиз кириш, 56 та давлат учун электрон кириш визаси, 47 та давлат учун беш кунлик транзит визасиз кириш тартиби белгиланди. 55 ёшга тулган ва туризм мақсадида 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатта Ўзбекистонга келувчи хитойлик, АҚШлик ва вьетнамлик фуқаролар учун визасиз кириш режими жорий қилинди. Шунингдек, “Vatandosh”, “Student visa”, “Academic visa”, “Medical visa” ва “Pilgrim visa” каби янги кириш визаси турлари белгиланди.

Халқаро аэропортларда “яшил” ва “қизил” йўлак тизими йўлга қўйилди. Илгари келувчилар аэропортдан ўртача ҳисобда 2-3 соатда чиқиб кетган бўлса, ҳозир бу жараёни 15-20 дақиқадга амалга оширилди. Хорижий сайёҳларни Е-meтhон тизими орқали электрон рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилди, эркин ҳаракатларини учун шароит яратилди.

Юртимизга келувчи сайёҳлар сони 2017 йилда 2,7 миллионни, 2024 йилда 10 мил

лиондан зиёдни ташкил этгани, уларнинг ўртача қолиш муддати 7-8 кунни ташкил этиб, ўтган давр (2-3 кунга) нисбатан 3 баробар ортигани шундай саяё-ҳаракатлар самарасидир.

2017 йилда ҳар бир чет эллик турист мамлакатимиз ҳудудига саёхат харажатида ташқари ўртача 197 доллар сарфлаган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 430 долларга етган. Айни пайтда юртимизда фаолият юритаётган меҳмонхона брендлари орасида “Hilton”, “Radisson”, “Marriott”, “Intercontinental”, “Holiday Inn”, “Crown Plaza”, “Wyndham”, “Ramada Encore by Wyndham”, “Mercure”, “Lotte city hotel” каби халқаро доирада машҳур брендлар мавжуд.

Бир қатор хорижий давлатлар аҳолиси учун мамлакат бўйлаб саёхатларини ташкил этишга йўналтирилган 40 дан ортиқ трансчегаравий туристик маршрут ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистоннинг хориқдаги дипломатик ваколатхоналари орқали ушбу мамлакатларга тақдим этилди.

Туркий давлатлар ташкилотининг VIII саммитида Президентимиз томонидан илгари сурилган “Табаррук зиёрат”

концепциясини амалга ошириш орқали зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича муайян ишлар бажарилоқда. Табаррук зиёрат йўналишида “Медиа инфо тур” тўғрисидаги тарғибот материаллари қатор хорижий ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёритилди.

Марказий Осиё давлатларининг маданий меросини бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳолда тарғиб қилиш бўйича ташаббусга асосан, ЮНЕСКОнинг “Хива декларацияси” қабул қилинди. Ислон ҳамкорлик ташкилотининг 2023 йилдаги XI сессиясида Хива 2024 йилда “Ислон дунёсининг туризм пойтахти” деб эълон қилинди ва 31 май – 2 июнь кунлари Хива шаҳрида Ислон ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)га аъзо давлатлари туризм вазирлари XII йиғилиши ўтказилди.

Туркий давлатлар ташкилотининг туризм вазирлари йиғилишида Қўқон шаҳри “Илк туризм пойтахти” деган шарафли ном билан улуғланди. Шахрисабз шаҳри 2024 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти томонидан туризм пойтахти, деа эътироф этилди. Бу Шахрисабз шаҳрини хорижий давлатларда тарғиб қилиш ва сайёҳларни жалб қилишга имкон яратади.

Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) томонидан Ўзбекистон Республикаси туризм соҳаси энг тез ривожланаётган 20 мамлакат ичида 4-ўринда эътироф этилди. Шунингдек, ушбу халқаро ташкилот Ўзбекистонни туризм хизматларидан тушган тушумлар (экспорт) бўйича дунё бўйлаб “иккинчи энг яхши йўналиш” сифатида кўрсатди.

2023 йил 16-20-октябрь кунлари Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг 25-сессияси Самарқанд шаҳрида юқори даражада ўтказилди. Унинг ижроия кенгаши йиғилиши ҳамда ялли мажлисига Ўзбекистонни “Ипак йўлида туризм” марказига айлантириш мақсадида Самарқанд шаҳрида UNWTO Тематик офисини (дипломатик мавқега эга) очиб бўйича Бош ассамблея резолюциялари ҳамда Самарқанд шаҳрига Жаҳон маданий туризм пойтахти мақомини бeрyвчи декларация қабул қилинди.

Ўзбекистон жаҳон туризм бозорига энг жозибадор мамлакатга айланмоқда. Бу бир жиҳатдан юртимизда туризм тараққиётига катта эътибор қаратилаётгани самараси бўлса, иккинчидан, азалдан дунё тамаддуни хазинаси бўлган тарихий обидаларга бойлиги, халқимизнинг бағрикенг ва меҳмондўстлиги туфайлидир. Албатта, бизда туризм соҳасида имкониятлардан тўлиқ фойдаланилса, дунёнинг жонажон диёримизга иштилиши ошишига, барпо этилаётган янги Ўзбекистоннинг истиқболи нурафшон бўлишига олиб келади.

6

2025 йил 1 март, 43-сон

МЕЗОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz

Зулфия таваллудининг 110 йиллигига

Шоиранинг

ОРЗУЛАРИ УШАЛГАН КУНЛАР

“Бахтим шу — ўзбекнинг Зулфиясиман”

Ўзбекистонга баҳор халқимизнинг сеvimли шоираси Зулфия таваллуди санаси билан бир вақтда кириб келади. “Хар баҳорда шу бўлар такрор, Хар баҳор ҳам шундай ўтади”. Ўзбекистон халқ шоири Зулфия Исроилова 110 йил муқаддам баҳорнинг илк куни Тошкентдаги Ўқчи маҳалласида таваллуд топган.

“Бахтим шу — ўзбекнинг Зулфиясиман” дея миллатимизни авж пардаларда тараннум этган шоиранинг назмга, сўзга, адабиётга муҳаббати болалигида оиласидаги муҳит сабаб пайдо бўлган бўлса, ажаб эмас. Бунда, айниқса, онаси Хадича-бегимнинг ўрни катта.

“Онамнинг қанчадан-қанча қўшиқ ва афсоналарни билишига ақлимиз бовар қилмасди. Бу сеҳрли афсона ва дostonлар бизга бениҳоя ҳузур бағишлар, ўзига ром қилиб олар, ҳар сафар янги жилва касб этар эди.

Ҳозиргидек чароғон даврда яшаса, онам ё шоира, ё оlima бўларди. Шунга аминманки, мўъжизалар яратишга қодир, жаҳонни кўзга кенг очувчи, инсонни гўзаллик сари етакловчи сўзга шайдолик ҳиссини менинг қалбимда мактаб кўрмаган ана шу онам уйғотганди”, деб ёзган эди адиба таржиман ҳолида.

Зулфия вафот этган йили 25-26 яшар навқирон йигит эдим. Матбуот, ҳусусан, журналистика нонини тотаётганимга бир неча йил бўлганига қарамай, шоирани кўриш, бир зум бўлса-да, ҳамсуҳбат бўлиш, ўғит ва пандларидан баҳра олиш насиб қилмаган. Лекин у билан бирга ишлаган, она-бола, устоз-шогирд тутинган, шоиранинг этагидан маҳкам ушлаган сиймолар гурунгини, ширин хотираларини тинглаганман. У ҳақдаги битикларни назардан қочирмасдан кузатиб боришга ҳаракат қиламан.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг 1984 йили ёзилган “Шоиранинг ҳаёт қўшиғи” мақоласида куйдаги жумлаларга кўзим тушди: “Зулфияни шоир қилган ўз дардли қисмати ва бу дардли қисмат ҳақидаги самимий ва эҳтиросли нидоси. Улуғлардан бири айтган экан: “Шоирни изтироб яратади ва бу изтироб шеърини унун қувонч бўлади”. Бу сўзлар бус-бутун шоира Зулфияга тааллуқлидир. Шоирани дунёга келтирган улуг изтироб ўз аксияти бўлган улуг бахтни ҳам яратди. Бу улуг бахт тўла тўқис халқ ва шеърини-никидир. Шеърини оламига ҳар бир ижодкор ўз қўшиғи билан кириб келади. Зулфия шеърини вафо қўшиғи билан кирди. Ва бу қўшиқ аёл садоқатининг юксак тараннумига айланди... Зулфия сингари сиймолар халқнинг бахти бўлиб яраладилар. Бу бахт, аввало, ўзбекиники, Ўзбекистонники, сўнгра эса дунёники”.

Ўзбекистон Қаҳрамони, мунаққид Иброҳим Ғафуров эса бундай дейди: “Зулфиянинг сиймосида сўз билан ифодаланмаган, айtilмаган қимматлар чамаси, айtilган ва ифодаланганларидан бекиёс кўп.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Уни ўртаган, қийнаган, оғир изтироблар исканжасига солган ҳоллар — уни эркалаган, шарафлаган, ардоқлаган, шеърини гулгожини бошига кийдирган ҳоллардан кўпроқ эди.

Шодиёнада қайғу, қайғуда шодиёна омухта эди. Ва бунга ўша замонада чора, даво, халос йўқ эди. У “бирлик, биродарлик бор ерда юксалиш бор”, деб ўтди. Ва охирида: “Асл устозим — ҳаётнинг ўзи эди”, деди ва бахтиёр, бегубор, инжудай болалигига қайтди. Яна ўн етти ёшдаги ўз “ҳаёт варақлари”га тугал содиқ қолди. Қабириқ юлдуз болалигининг мусаффо осмонига кўтарилди”.

Олам таниган қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ҳам Зулфияхоним ижодининг муҳлиси бўлганини яширмайди. Унинг бир мақоласида куйидагиларни ўқиси мумкин: “Ўзбек шоираси Зулфиянинг кутлуг қадами туфайли Шарқ адабиётига санъаткор аёл кириб келди, ёш ва иқтидорли шоирлар бутун бир плеядасининг овози баралла янграй бошлади. Зулфия фақат ўз шеърларида гавдаланган тўла-тўқис аёл

эмас, балки у мукамал шахс ҳамдир. Ўз замонида шаклланиб, камолга етган шахс. Поэзия Зулфия учун ҳеч қачон шунчаки машғулот бўлган эмас”.

Журналнинг “эгаси”

Раҳматли бувим кирилл, лотин, эски ўзбек, араб ёзувларидаги битикларни бирдек мутулаа қиларди. Умрининг поёни — 84 ёшигача қўлидан газета-журнал, китоб тушмаган. Уйимизга кундалик газеталар қатори “Шарқ юлдузи”, “Муштум”, “Саодат” журналларининг ҳар бир сони узлуксиз келарди. Уларнинг биринчи ўқувчиси бувим, сўнг отам, кейин биз бўлардик.

Ўдимда: отам газеталарга обуна бўларди. Почтачи уларни ҳар куни эшигимиз тирқишига қистириб кетарди. Журналларни эса маҳалламиз гузаридан — бувимнинг тили билан айтганда — “киёска”дан мен олиб келардим. Ой бошида бувим отамга “Ўғлингни “киёска”га гизиллат,

йўлига. Бу журнал Зулфияхонимники-я! Мана, қарагин...

Бувим бармоғи билан кўрсатган жой — журналнинг охири саҳифаси паст бурчада “Редактор Зулфия Исроилова” деган ёзувга кўзим тушди.

— Бувим, “редактор” нима дегани?

— Редактор шу журналнинг “эгаси-да”.

Шундан кейин “Бошқа нашрларнинг “эгаси” ким экан?” деб қизикадиган бўлдим. Ёшим улғайгани, орадан 4-5 йил ўтиб, ўзим ҳам нималардир қоралайдиган бўлганим сайин газета ва журналларнинг нуфузида уларнинг “эгаси” катта аҳамият касб этиши, халқ, ўқувчи, муштари меҳрига мушарраф бўлишида муҳаррир маҳорати ва жасорати етакчи ўринда эканини англай бошладим.

Шу маънода, ўша болалик чоғимда кўз очган тафаккур билан “Саодат”нинг узок йиллардан бери нафақат хотин-қизлар, балки халқимиз учун сеvimли бўлиб келаётгани замирида Зулфияхоним шахси мужассам, дегим келади.

“Кўзларимда ёнар жонли ўт”

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида мўъжизавий назм бўстони барпо этилган. Бу — муҳташам Адиблар хиёбони мажмуаси. Масканга келувчи илм аҳли, ижодкорлар, ёшлар, кексалар, бошқа касб эгалари теваракка ўзгача руҳ бахш этиб турган улуг устозларимизнинг тафаккур дунёсига, маънавий мероси ва ҳаётига янгича қизиқиш, меҳру муҳаббат билан мурожаат қилади. Уларнинг ҳаёти ва ижоди мавзуси хиёбонда ўтказилаётган мушоира кечалари, маънавий соатлари, маҳорат дарслари, давра суҳбатлари, мусиқа оқшомларида баралла янграйди.

Бу ерга ҳайкали қўйилган улуг адиблар қаторида Зулфияхоним ҳам бор. Адиба шеърларини халқимиз, ўзбек аёллари бағрига босиб, севиб ўқийди. Зулфияхонимга ўхшашни истайди, унга ҳавас қилади. Ёруғ, дардли сатрларидан ўз дардларига маҳкам олади. Шоира ана шундай — сўз туфайли миллионлаб инсонлар қалбиди бола мақола матнини ўқийди, фақат суратларни томоша қилади-да).

— Ҳадеб суратларга маҳлиё бўлавермай, ёзилганларини ҳам ўқисанг-чи, бола, — деди ёнимда бошқа нашрни назаридан ўтказётган бувим. — Мана бу яхши мақолалар, шеърларни ўқисанг, ақлинг қиради. Сенга келадиган “Гунча”, “Гулхан”лар ўз

журналлар келгандир”, дерди. Бу — “пулини бер”, дегани эди. Мен келтирадиган журналлар орасида, албатта, “Саодат” ҳам бўларди.

10-11 ёшларда бўлсам керак, бир куни “Саодат”ни қўлимга олиб, муқова-сидаги машҳур ҳинд актрисаси ва яхши саҳифаларидаги “Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқроқ кинофестивали” ҳақидаги мақолага илова қилинган рангли суратларни узокроқ томоша қилиб қолибман (Бу ёшда қайси бола мақола матнини ўқийди, фақат суратларни томоша қилади-да).

— Ҳадеб суратларга маҳлиё бўлавермай, ёзилганларини ҳам ўқисанг-чи, бола, — деди ёнимда бошқа нашрни назаридан ўтказётган бувим. — Мана бу яхши мақолалар, шеърларни ўқисанг, ақлинг қиради. Сенга келадиган “Гунча”, “Гулхан”лар ўз

умр йўлдошидан айрилди. Зулфиянинг турмуш ўртоғи хотирасига бағишлаб битган “Ҳаёт жилоси”, “Ўрик гуллағанда”, “Ҳаёллар”, “Соғиниш” ва бошқа тўпламларидан жой олган шеърлари туйғулар, фалсафий умумлашмалар ҳаётга муҳаббат руҳи билан сугорилган шеърлар туркумига қиради.

Дейдиларки, сени кўрганда Кўзларимда ёнар жонли ўт, Ўша ўтнинг ёлқинларида Сendan ўзга бор нарса унут. Мудом дилга содиқ кўзларим Ҳақиқатни кўмиши қийин. Кўзларимда, қонимда кезган Ўша севинчи, ўша олов сен.

“Ҳаёт варақлари” номли илк китоби билан Ҳамид Олимжондек шоирнинг назарига тушган Зулфияхоним ўз дардларини ўзи елкалаган ҳолда ўзгалар бахтидан бахтли бўлиб яшади.

2017 йил ноябрида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Жиззах шаҳрида ижодкор жуфтлик ҳаёти, ижоди, фаолияти ва садоқати тимсоли сифатида атоқли ва истеъдодли шоирлар — Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг хотира музейи очилди. Шунингдек, вилоятда улар номидаги ижод мактаби ташкил этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Кинематография агентлиги буюртмасига биноан 2022 йилда Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳаётига бағишлаб “Муҳаббат баҳори” бадиий фильми суратга олинди.



Орзулар ижобати

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, турли соҳада имкониятларини рўёбга чиқариши учун шароит яратиш, ижтимоий ҳаётда фаоллик кўрсатаётган хотин-қизларни муносиб рағбатлантириш борасида изчил ишлохотлар амалга оширилмоқда. Аёлларга турли соҳаларда имтиёз ва имкониятлар яратиш учун кўплаб ташаббуслар амалга оширилмоқда. Бу ташаббуслар хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган. Имкониятлар рағбатга айланиб, барча соҳада хотин-қизлар улуши, фаоллиги ортиб бормоқда.

Жумладан, Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилиб, ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида иқтидорли қизларга тақдим этилиши мана шу эътибордан дарак. Бу мукофот адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун берилади. Мукофот соҳибалари бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари

танлаган йўналиши бўйича олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилинади.

2017 йилгача ушбу мукофот билан ҳар бир ҳудуддан 1 нафардан жами 14 нафар 14 ёшга тўлган ва 22 ёшдан ошмаган иқтидорли хотин-қиз тақдирланган бўлса, 2018 йилдан иқтидорли қизлар сафини кенгайтириш, фаоллигини ошириш мақсадида ҳар бир ҳудуддан 2 нафардан жами 28 иқтидорли хотин-қиз тақдирланмоқда ва ёш чегараси 22 ёшдан 30 ёшгача узайтирилган.

2024 йилда мазкур мукофот билан тақдирлаш жараёни янада такомиллашди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 7 февралдаги тегишли фармони билан хотин-қизлар ўртасида рақамли кўникмаларни шакллантириш, ахборот технологиялари соҳаси, жумладан, IT хизматлари кўрсатиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишдаги улушини ошириш, ахборот технологиялари йўналишида алоҳида ютуқларга эришган иқтидорли қизларни муносиб тақдирлаб бориш мақсадида ахборот технологиялари йўналиши 8-йўналиш этиб киритилди. Демак, 2025 йилда илк бора ахборот технологиялари йўналиши бўйича Зулфия номидаги давлат мукофоти муносибларга тақдим этилади.

Таъсис этилгандан буён шу кўнга қадар мукофот билан ижтимоий фаоллиги ва истеъдоди билан тенгдошларига ўрнатқ бўлиб келаётган 452 иқтидорли хотин-қиз тақдирланган. Таъсис этилганига чорак аср бўлган мазкур мукофот соҳибаларининг бутунги кундаги фаолияти, ютуқлари ҳам салмоқли.

Биргина спорт йўналишида мазкур мукофот соҳиб бўлган Диёра Келдиёрова “Париж-2024” XXXIII ёзи Олимпиадасида олтин медали, Светлана Осипова кумуш медални қўлга киритиб, Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди. Шунингдек, яна кўплаб хотин-қизларимиз Осиё, жаҳон ва бошқа нуфузли халқаро мусобақа ва танловлар ғолиблари.

Бутун совриндорларнинг 20 нафардан ортиғи турли вазирлик, идора ва ташкилотларда турли раҳбарлик лавозимларида ишлайди. Мукофотга сазовор бўлганлар орасида маҳаллий кенашлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари борлиғи ҳам аҳамиятли, албатта.

Халқимизнинг ардоқли шоираси номидаги давлат мукофоти иқтидорли қизларимиз учун бетакрор рағбат, катта имконият бўлиб қолаверарди. Зулфияхоним шоира, адиба, муҳаррир бўлиш қаторида улкан жамоат ва сиёсат арбоби ҳам эди. Халқ ишонч билдириб, депутат этиб сайлаган, ҳукумат эса республика хотин-қизлар қўмитасининг жамоатчилик асосидаги раиси ва бошқа масъулиятли вазифалар юклаган эди. Шоира, жамоат арбоби сифатида мамлакатимизнинг турли ҳудудидида халқ билан учрашувларда, мулоқотларда қатнашди, қатор хорижий давлатлардаги халқроқ анжуманларда иштирок этди.

Қисмат Шарқ аёлининг овозини жаҳон минбарига зўлиб чиқиш шафаси ва заҳматини Зулфияхоним зиммасига юкледи. Аёл сифатида хотин-қизлар ҳаётида учраётган муаммолар, уларни қийнаётган масалаларга ечим топиш, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга эришиш учун бор имкониятини ишга солди. Шоиранинг замон заили билан ўша даврда уддаланмай, амалга ошмай қолган улкан орзулари бугун рўёбга чиқаётган бўлса, не ажаб.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-346.
37346 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улугмуродов
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 23:48 Топширилди — 00:15